



# БҮЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# ZIYUO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

\*\* № 6 (194) \*\* 2011 YIL, MAY \*\*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, мешакқатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

И.А.КАРИМОВ.

## ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

### УНУТМАС СЕНИ ХАЛҚИМ

Ўз тарихини билган, ундан рўйхӣ кудрат олган кишини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди. Мен ҳам ушбу сўзга амал қилганд ҳолда бугунги ёруғ кунларимиз учун ҳаётини бағишлаган минглаб миллатпарвар фидойи инсонларнинг хотирасини яна бир бор ёд этиши бурчим деб билдим. Зеро, Ватан туйғуси биялан яшаган, миллий ғоя асосида фаолият кўрсатган ва истиқололга интилган миллатимиз фидойилари ҳакидаги маълумотлар келажак авлоднинг маънавий дунёкарашини шакл

лантиришда миллий гуур, ватанпарварлик ҳисларини янада кучайтиришига ишонаман. Ва мен, бугун шундай буюк инсонларнинг авлоди эканлигимдан фахрланаман.

Якин ўтмишимизга назар ташлаб, катта бир тарихий даврга тенг келадиган, XIX-XX аср бошларидағи воқеаларни кўздан киришар эканмиз, ўнлаб зиёли миллиатпарвар, фидойи, юрт ғамини ўз дарди деб билган буюк сиймоларимизнинг номларига дуч келамиз. Жадидчилик деб

(Давоми 2-бетда)



### ХОТИРА

Самода борликни ёритиб доим, Күёш нури зиё сочаверади. Заррин нурлар каби сўнмас хотира, ўтмиш сирларини очаверади.

Хотирани ёқиб қалбга чироғдек, Авлодлик бурчимиз ҳар дам ўттайлик. Ўтганларнинг номин эслаб, хотирлаб, Тириклар қадрига ҳар дам ўттайлик.

Үтди аждодларим Ватан бағрида, Қалблардан номлари чиқмайди сира. Уларнинг руҳини этиб доим шод, Юракда саклаймиз ўчмас хотира.

Мафтуна КЎШБОКОВА, Жиззах шаҳридаги А.С.Пушкин номли 1-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

## ИЛМИЙ КЕНГАШНИНГ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирима йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги карори муҳокама килиниб, тегиши тадбирлар режаси тасдикланди. Институт ректорати, барча жамоат ташкилотлари, профессор-ўқитувчиларни ташкилий-амалий, маданий-маърифий соҳадаги вазифалари белгилаб олинди. Бу хакда маънавий ишлар проректори доцент А.Тангировнинг маърузаси тингланди.

Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиги, доцент М.Раббимов Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, вазирликлар ҳайъат йигишилари қарорлари, ректор бўйруклари ва илмий кенгаш карорларининг 1-чорақда бажарилиши бўйича хисобот берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Буш вазирининг 2011 йил 26 апрелдаги топшириги асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус тавлими вазирлигининг шу йил 30 апрелдаги 168-сонига бўйргу ижроси ҳакида маълумот берди.

Институтни битирувчи ешларни ишга жойлаштириш, ҳамкорлик дастурининг бажарилиши ҳакида ўкув ишлари проректори профессор Н.Алимовнинг маърузаси эшитилди ва муҳокама килинди. Бу йил институтни битираётган 1366 нафар талабаларнинг умумталим маътабари қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар билан уч томонлами шартномалари тайёрланганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга хорижий тиллар ҳамда физика-математика факультетларида бу иш ҳаличага охирига етказилмаганлиги танқид килинди. Факультет деканлари ва кафедра мудирларига мазкур масала бўйича зарур топшириклар берилди.

Факультетларда иктидорли талабалар билан ишлаш дастурининг бажарилиши ҳакидаги масала юзасидан илмий ишлар проректори, доцент F. Кодировнинг маърузаси кенг муҳокама килинди. Сўзга чиқсан нотиклар бу борада институтда етарли тажриба тўлланганлигини эътироф этиши. Жумладан, ижтимоий фанлар кафедраси ташабbusi билан 42 нафар энг иктидорли талабалар билан алоҳида иш олиб борилаётгани, педагогика факультети иктидорли талабаларининг "Аъло ёшлар" гурухига аъзо бўлиб ўқишида ўрнак кўрсатаётганликлари, фан олимпиадаларида иктидорли талабаларнинг фаол иштироқи алоҳида кайд этилди. Шу билан бирга фан тўғараклари, клублар фаoliyatiyadiга нуксонларни бартараф этиши, дарсдан ташкири ўтказиладиган тадбирларнинг мундарижаси ва мазмунини бойтиб бориши, тарбиявий ишларнинг энг таъсирчан ва самарали усулааридан кенг фойдаланиш зарурлиги уқтирилди.

Илмий кенгаш йигилишида институт моддий-техника базасини яхшилаш чоралари ҳакида молия-иктисод ишлари проректори С. Кодиров маъзуза килди.

Муҳокама килинган барча масалалар бўйича тегиши қарорлар қабул килинди.

### ИЛМИЙ -АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

## ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Яқинда институтимизда "Баркамол авлод тарбияси тизимида болалар спортини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, Вилоят ҳокимлиги, Жиззах Давлат педагогика институти ва Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигига ташкил қилинди.

Анжуманинг институт ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Олимжон Дўсматов кириш сўзи билан очди ва бошқарib борди.

Конференция катнашчилари Ўзбекистон Республикасининг мадхиясига ўринларидан турган ҳолатда, баланд рух билан жўр бўлиши.

Вилоят ҳокими Сайфиддин Исмаиловнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчisi Сирож Фозиев ўқиб эшитирди.

Вилоят ҳокими ўз табригига спортнинг миллат генофонини саклашдаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, табригига вилоятимиз кишлоқла-

гик технологиялардан фойдаланиш" мавзуларида маъзуза кильдилар. Маъузачилар Жиззах Давлат педагогика институтидаги кейинги вактларда эришилаётган ютукларга, жамоанинг республикамиз олий таълим мусассалари ўртасидаги нуфузли ўрнига алоҳида тўхтадилар.

Жумладан, сўнгги йилларда институттинг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети олимлари томонидан кўплаб кўлланмалар яратилиб, ўкув жараёнiga, амалиётga, татбиқ этилмоқда. Факультет талабалари турли нуфузли мусобакаларда юқори натижаларга эришиб, Ўзбекистоннинг довруғига довруқ кўшишмоқда. Факультетда 50 нафардан зиёд талабалар спортнинг кўпгина турлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари увонига сазовор бўлишган. Масалан, Иорда Абдураҳмонова спортнинг дзю-до тури билан шуғулланади. У Миср Араб Республикасида, Таиландда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари

ва жаҳон биринчлигига муваффакиятли иштирок этиб, ғолиблар шоҳсупасидан ўрин олди. Ўтган йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Факультетнинг яна бир талабаси Анузар Юнусов 2008 йил Францияда бўлиб ўтган мусобакада спортнинг ёзги биатлон тури бўйича қатнашиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номни кўлга киритди. У Бирлашганд Араб Амирлиқларида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккита олтин медал соҳиби бўлди.

Бокочи Баҳром Ҳидиров ҳам шу факультеттинг талабаси. Баҳром Германияда, Кирғизистонда, Россиянинг Хабаровск шаҳрида бўлиб ўтган ҳалкар мусобакаларда совринли ўринларни эгаллади. Факультет талабалари спортдаги бундай муваффакиятларни янгилаш сари тинмай итимоқдалар.

Жиззах Давлат педагогика институти профессори Умаркул Рахмонкуловнинг маъзуласида

болалар спортини ривожлантиришда тиббий-биологик омилларнинг устуворлиги марказий ўринни эгаллади. Маъузачи вилоятимизнинг Фаллаорол, Баҳмал ва Зомин туманларидаги зиёратгоҳлар, табиатнинг мўъжизакор масканлари бўйлаб саёҳат ўштириш, бунда жисмоний чинчишишнинг ахамиятига йиғилганларнинг эътиборини каратди.

Шундан сўнг конференция иштирокчилари тўртта шўъбага бўлинган ҳолда анжуманинг давом эттирилди. Анжуманга Республикализмининг турли олий таълим мусассаларни мутахасислари томонидан тайёрланган юздан зиёд илмий макола тақдим килинган эди. Конференция давомида энг яхши деб топилган илмий маколаларнинг муаллифлари ва институтнинг номдор спортчилари анжуман ташкилотчиларининг Фахрий ёрлик ва эсадлик совғалари билан тақдирландилар.

Товбой Ҳўжамбердиев.

# ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

## УНУТМАС СЕНИ ҲАЛҚИМ

аталган миллий ҳаракат бағрида шаклланган бу зотлар билим салохиятлари, фидо-иiliklari, инсонийлик хислатлари, ва энг муҳими, ижтимоий-маънавий, сиёсий гоялари билан тарихимиз зарваравқларидан абадий жой олдилар.

Туркистон Чор Россияси томонидан забт этилиб, мустабид тузуми орқали та-назулга юз тутганилиги, ҳалқимизнинг оғир иқтисодий аҳво-ли жаҳонниң тараққий эттан мамлакатларидан иқтисодий жиҳатдан орқада қолиши, маддий қолоқлик, ижтимоий он-даги турғунлик, миллий кад-риятларнинг топталганлиги, жадидларни жаҳон тажрибасидан фойдаланиб тезлиқда бундай шароитдан чиқиб кетиш йўлларини излаб топишига чорлади. Маърифатчиликдан бошланган жадидчилар 1917 йилга келиб, кучли сиёсий ҳаракатга айланиб кетди. Жадидларнинг орзу умидлари, ҳатти-ҳаракатлари, беаёв курашларнинг на-тижаси Туркистон Мухториятнинг ташкил этилиши бўлди. Туркистон Мухториятнинг манфаатларига мос келмаслигидан қизил империянинг сиёсати мамлакатдан фоқатгина хом-ашё базаси ва текин ишни кучи сифатида фойдаланиш эканлигидан далолат беради. Улар ҳалқ зиёли, билимли бўлса ўз озодлиги, эрки, мустакилларни талаби қилиб чи-кишидан кўркишар эди. Шу-

нинг учун жадидларни бирмабир маҳв этиш йўлида турли баҳоналар билан уларни ай-лаб йўқотишга ва азиз ном-ларини ҳалқ хотирасидан

чиришга ҳаракат қилиши. Лекин ўзбек ҳалқи бу буюк шахсларни унумтади ва улар ҳалқнинг хотирасида мангу қаҳрамон сифатида муҳрланиб қолди. Орадан йиллар ўтиб жағоқаш ҳалқимизнинг орзу-умидлари 1991 йилда амалга оши: яъни шу санада Ўзбекистон ўз мустакилларини ўзлон килди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мустакилликка эришган кунданок ватан истиқ-оли учун жонларини фидо килгандар орасида жадидлар номларини алоҳида эҳтиром билан тилга олди. А. Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Му-навваркори, Убайдулла Хўжаев сингари ҳалқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонларини фи-до килган минглаб миллатимиз фидойиларининг хотиralари тикланди. Жумладан, гўзал пойтактимиз Тошкент шахрида "Шахидлар хотираси" зиёратгоҳи бунёд этили. 2001 йил, 1 майда Президентимизнинг қатағон кур-бонларини ёд этиш кунини бел-гилаш тўғрисидаги фармони асо-сида ҳар йилнинг 31 август куни - Мустакиллик байрами арафасида "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида қатағон курбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтиши белгиланди. Шунингдек, зиёратгоҳда "Қатағон курбонлари" музейи ташкил этили.

"Шахидлар хотираси" зиёратгоҳи ҳақида ҳалқимизнинг ўтири-каҳрамонлик курсатиб, жонларини фидо килган инсонлар билан фахрланамиз ва чин маънода уларга муносиб авлод бўлишга интиlamiz. Чунки биз бошимизни баланд кўтариб, озод ва обод ватанда ўсиб улғаямиз. Шундай экан, биз озодлигимизни химоя қилиши-миз, истиқlol ињомъ этган неъматларнинг қадрига етиши-

хар бир инсон яна бир кафра уларнинг ишини давом этти-риш, мустакил юртимизни обод килиш, ҳаётимизни фаронон этиш учун ўша қаҳрамонлик, фидокорлик билан иш юри-тишга жазм қиласди". Ҳалқимизнинг яна бир севимли шоири, Ўзбекистон қаҳрамони А. Орипов ҳам ўз фикрларини билдириб, шундай деган эдилар: "Шахидлар хотираси" мажмуи қатағон курбонларига бир ёдгорлик, зиёратгоҳ эмас, балки бу изтиробли ва эшиги доим очик тарбия мактаби-дир".

Дарҳақиқат, инсон кўнглида фахр-иiftixor туйғуларини ўй-готувчи бундай мажмуалар ёш авлод тарбиясига ижобий та-сир ўтказмай кўймайди.

Ватан равнаки, ҳалқ озод-лиги, баҳт-саодати йўлида ҳаҳид кетган аждодларимиз жисмонан йўқотилган бўлсада, руҳан улар ҳалқимиз ёдиди мангу, барҳаёт яшайдилар. Уларнинг номини ҳар доим ҳалқ эъзозлаб тилга олади.

Бугунги ёруғ кунларимиз, тинч, осуда ҳаётимиз йўлида ҳаҳрамонлик курсатиб, жонларини фидо килган инсонлар билан фахрланамиз ва чин маънода уларга муносиб авлод бўлишга интиlamiz. Чунки биз бошимизни баланд кўтариб, озод ва обод ватанда ўсиб улғаямиз. Шундай экан, биз озодлигимизни химоя қилиши-миз, истиқlol ињомъ этган неъматларнинг қадрига етиши-

миз, эъзозлашимиз лозим. **Дилбар ШЕРМАТОВА,**  
Бошлангич таълим ва СТИ  
йўналиши 1-боскич  
талабаси.

### ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

## ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигига талаба-шашлар ва нуронийларнинг Тошкент шахрига саёҳатини ўштириди. Бундан кўзланган мақсад ёш авлодни улуғларимизнинг ҳаёт тажрибалари билан танишириш, ёшлар онгиди ватанпарварлик, ўтганлар хотирасига хурмат ва қадр туйғуларини шакллантиришдир.

Юрт тинчлиги ва унинг равнаки жамиятнинг маънавий бойлиги ва юқосалиши билан чамбарчас боғлиқидир. Ҳеч бир давлат инсонлар онгига маънавий ва мадданий кадриятларни сингдирмай, ҳалқнинг миллий руҳиятини шакллантиримай юқори поғоналарга кўтарила олмайди. Шу боис мамлакатимизда бой маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсати дара-жасига кўтарилид.

Тарихдан бизга маълумки, 2-жоҳон уруши кўплаб инсонлар хаётига зомин бўлди. Улар қаторида юрт озодлиги учун фашизмга карши курашда ўз жонларини фидо этган юртдошларимиз хам бор. Уларнинг юрт озодлиги ва мустакиллигига кўшган улкан хизматлари қадрланмоқда. Жумладан, 1999 йил юртбошимиз ташабbuslari

билан ўз ҳаётларини шу эзгу мақсадлар йўлида курбон этганлар хотирасига "Хотира майдони" барпо этилиди ва 9 май "Хотира ва қадрлаш куни" деб ўзлон килинди.

Шу муносабат билан ҳар йили жойларда катта тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Бу йил мустакиллигини 20 йиллиги муносабати билан "Хотира ва қадрлаш" кунини ўзгача бир руҳда кутиб олдик. Жиззах вилояти ҳокимлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкиллаштирган "Икки авлод учрашуви" биз ёшларда жуда катта таассурот колдири. Жиззах шахрида истикомат килювчи уруш фахрлилари ва нуроний отаҳонлар билан Тошкент шахридаги зиёратгоҳларга, жумладан "Хотира майдони" ва Мустакиллик майдонига килган сафарларимиз

унутилмас эсдаликларни қал-бимизга мўрлади. Фахрийларимиз билан "Мотамасро она" хайкали қошига гуллар кўйдик.

Фахрийларимиз ўз кечинларини сўзлаб берар эканлар, ҳалқимизнинг кўрсатган жасо-ратини бекиёс баҳоладилар ва шундай улуг неъмат бўлмиш мустакиллик кунларига етказ-ганига шуқроналар айтдилар.

— Комил инсон бамисли кўёш каби ҳаммага бирдай нур сочиши, муқаддас замин каби тавозели бўлиши, фаронон ҳаёт қадрига етиши ва қалбида энг гўзал фазилатларни жо этиши лозим — дейди, Жиззах шахри, Хайдарбек Абдулжабборов ма-халласида истикомат қилювчи уруш ва меҳнат фахрийи Юсуф бобо Холматов.

Бу учрашув қалбларимизда юртимизга, элизимизга бўлган меҳни янада ошириб, давлатимиз равнакига бунданда кўп-роҳ хисса кўшишига унданмоқда.

**Бахтино КЎШБОКОВА,**  
Бошлангич таълим ва СТИ  
йўналиши 3-боскич  
талабаси.  
**Севара КЎШБОКОВА,**  
Тарих йўналиши 4-боскич  
талабаси.


тирок этилид. Икки авлоднинг бу учрашуви йигилганларда катта таассурот колдири. Ёшларнинг кўнглида тинчлигинг қадрига етиш лозимигини ўшларга тушунтирилар. **З. ИБРАГИМОВА,**  
Педагогика-психология  
йўналиши 1-боскич талабаси.

### НУРОНИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

9 май - Хотира ва қадрлаш куни вилояти институтимизда талабалари билан учрашув ке-ласига Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари — 93 ёшли Кобил бобо Кўшбоков, 92 ёшли Хол-мурод бобо Ҳакимов, 87 ёшли Бекмирза бобо Эшмираев таш-риф буюрдилар. Улар талаба-

ларга ўша суронли йилларнинг машакқатлари, азоб-укуватлари ҳақида сўзлаб бердилар, ҳамда бугунги тинч, осойиша, фаронон ҳаётимизнинг қадрига етиш лозимигини ўшларга тушунтирилар.

Ўз навбатида талабалар ҳам инсонийлик, Ватанни мадҳ этуб-чи шеър-қўшиклари билан иш-



# Ахборот

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Жиззах шахрида "Мустакиллик фарзандларимиз" лойиҳаси доирасида мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида спортнинг ютуриш тури бўйича марафон ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон, Мустакиллигининг 20 йиллигига бағишиланди. Унда 400 нафардан зиёд талабаларимиз иштирок этилилар.

"Камолот" ЁИХ Марказий кенгаши раиси ўринбосари Ф. Мухаммаджонова "Мустакиллик фарзандлари" мавзусида маъруза килди.

Маърузачи ва сўзга чиқкан нотиклар мустакиллик йилларида фарзандларимизга яратиб берилган шарт-шароитлар, уларга берилётган имкониятлар, таълим соҳасида эришилаётган ўтуклар хақида гапирдилар.

Тадбир сўнгиде республикамизнинг таникли хонандалари Фиёс Бойтоев, Анвар Фаниев, Лола Ахмедова, Дилноза Исмияминова иштирокидаги концерт дастури томоша килинди.

**Г.АҲМАДОВА,**

"Зиё чашмаси" мухбири.

## БИЗНЕС НИМА?

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан институт Ахборот-ресурс марказида "Бизнес нима?" мавзусида давра сухбати ўтказилди. Тадбир табиатшунослик факультетининг география ва иқтисодий билим асослари йўналиши 2-боскич талабалари ташаббуси билан ўштирилди.

Факультет ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Ш.Хидиров кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти, бу борада республикамизда, виляятимизда, шу жумладан институтимизда олиб борилаётган ибрати ишлар ҳақида гапирдилар. 2-боскич талабаси М.Бегимкулова, АРМ ўқитувчиси М.Хайдитова талабалар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти, бу борада республикамизда, виляятимизда, шу жумладан институтимизда олиб борилаётган ибрати ишлар ҳақида гапирдилар. Үқитувчилар ўтказидаги бўйича мустакиллик тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти, бу борада республикамизда, виляятимизда, шу жумладан институтимизда олиб борилаётган ибрати ишлар ҳақида гапирдилар.

Мустакил ўқув хонасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти, бу борада республикамизда, виляятимизда, шу жумладан институтимизда олиб борилаётган ибрати ишлар ҳақида гапирдилар.

— Бизнинг АРМда соҳага оид манбалар етарли, факат ундан максадли фойдаланиш зарур, — дейди, АРМ ҳодими С.Исройлова.

## "ХОТИРА ТУРНИРИ" ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Газетамизнинг ўтган сонида институтимизда 9 Май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишиланган "Хотира турнири" спорт мусобакалари бошланганлиги ҳақида хабар берган эдик.

Спортнинг волейбол ва футбол турлари бўйича мусобакалар якунланиб, голибларнинг номлари аникланди. Волейбол бўйича биринчилик физика-математика факультети волейболчи кизлари, футбол бўйича эса жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети спортчи йигитларига насиб этиди. Волейбол бўйича педагогика факультети талабалари иккинчи, ўзбек тили ва адабиёти факультети спортчилари учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Футбол мусобакаларида 2 ва 3-ўрнлар хорижий тиллар ҳамда тарих факультетлари талабаларига насиб этиди.

Үқитувчилар ўтказидаги баҳсларда педагогика (волейбол) ҳамда жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (футбол) факультетлари спортчиларининг кўллари баланд келди.

Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг 20 йиллиги дастури доирасида ташкил этиланган ушбу кизикарли мусобакаларнинг голибларига ҳомийлар, институт касаба ўшумалари қўмитаси, "Талаба" спорт клуби, "Камолот" ЁИХ бошлангич ташкилоти, маънавий-маърифий бўлими томонидан дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ф.ҚЎШНАЗАРОВ.**

## "ЁШ ОНАЛАР" КЛУБИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Педагогика-психология йўналишининг "Ёш оналар" клуби ташаббуси билан "Миллий либосдаги она ва бола" танлови ўтказилди.

Бўлим бо

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИИЛИ

## ТАДБИРКОРЛИК, ИШБИЛДИРИМЛИК • ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзининг олдига инсон манфаати ва хукукий эркинликларни устувор кадрият сифатида ривожлантириш ва демократик жамият барпо этишин максад килиб кўйди. Хар бир йилимизнинг бир ном билан аталиши юртимизда анъана га айланди ва бунинг барчаси инсонлар манфаати учун хизмат қилмоқда. Ана шу анъанани давом эттириб 2011 йилни муҳтарам Президентимиз "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ёълон қилдилар.

Хар бир киши хаётидаги тадбиркорлик билан касбдан ҳалол даромад топиб яшаши жуда мухимdir. Инсон кайси касб эгаси бўлишидан, қаерда ишлашидан катъий назар, энг асосийси ҳалол йўл билан даромад килиши, оиласига пок ризқ етказиб бериши зарур. Шуни ҳам унумаслик керакки, кишилар касб танлашда барча омилларни эътиборга олишлари зарур.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги куни мизда юртдошларимиз оила боқишининг турли йўлларини синаб кўрмоқдалар. Уларнинг барчасини ҳам бирдек маъкул деб бўлмайди. Хозирги кунда айрим ёшларимизнинг четга чиқиб ишлаши ва у ерда ҳор, ноҷор бўлишлари жуда ачинарли ҳолдир. Биз бу билан уларни четга чиқиши масин демаймиз, чиқишин, факат иши, жойи тайин ва энг муҳими давлат томонидан ҳавфсизлиги таъминланган ҳолда шартнома асосида кетишса максадга мувоғиқ бўларди. Лекин шуни ҳам унумаслик керакки, шу топмоқчи бўлган пулинин шу ерда ўз юртида ҳам топса бўлади. Гап факат харакатда. Ҳаракат қилиб бир касбни эгаллаш ва ҳалол ризқ топиши ҳам мумкинку. Бежизга хадиси шарифда: "Ҳар бир мусулмон учун ҳалолни талаб қилмоқ фарзидир" дейилмаган. Шунинг учун ҳар биримиз ҳалол ризқ топишига шошилайлик!

Президентимиз И. Каримов тадбиркорлик хусусида куйидагича фикр юритадилар: "Илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо кандай ном билан атамасин – унинг отини савдогар ёки дўкандор дейдими, хунарманд уста ёки касаначи дейдими, катта-кичик корхона эгаси дейдими, бундан катъий назар аждодларимиз айнан шу соҳа хисобидан рўзгор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган".

Тадбиркорлик бизга аждодларимиздан қолган улкан меросидир. Азизлар! Қандай касбда бўлишимиздан катъий назар, ҳалол йўл билан топилган даромад оиласа барака, кўнгилларимизга хотиржамлик ва ишимишга унум келтиради. Оллоҳ таоло барчамизни касбу-коримизга ҳайр-барака ато этиб, ҳалол ризқ топишилигимизни насиб этсин!

Гулҳаёҳон ИНОМОВА,  
Инглиз тили ва адабиёти йўналиши 2-босқич  
талабаси.

## ИНТИДОРЛИК ТАЛАБАЛАР МИНИБАРИ

МАННАВИЯТ

### ЯРАШИҚЛИ ОДАТЛАРИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Маннавият тушунчаси кенг камровли, жуда кўплаб таърифларга эга тушунчадир. Келинг, шу ўринциа Президентимизнинг маннавият ҳақидаги таърифларини эслайлик. "Маннавият инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг куч-кудратидир. У йўқ жода хеч қачон баҳт-саодат бўмайди. Маннавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсоннинг руҳий покланиши ва юксалишига даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон ва иродасини, ётиқодини мустаҳкамлайдиган, вижданони ўйтотадиган, курдатини бойитадиган кучни тасаввур этаман".

Ўтмиш – бизнинг тарихимиз, урф одатларимиз, анъаналаримиз билан узвий болгиклар. Бу эса ҳар бир мамлакатнинг маннавият тарихи, урф-одатлари-ю анъаналаридан намоён бўлади. Бугунги кунда тенгдошларимиз онгига сингиб бораётган гарб маданиятининг ҳаддан ортиқ ўзлаштирилиши ҳалқимизнинг азалий анъаналарини сикиб чиқармокда. Бу жараёнларни биз ёшлар ўз фаолиятимизда, сўзлашшишимиз, кийинишишимиз, ўзимизни тутиш, одоб-ахлок ва ҳозирда авж олган интернетда ёшларнинг кўп вақт сарфлашларida кўришишимиз мумкин. Бу билан тенгдошларимизнинг дунё маданиятидан воз кечишлири тарафдори эмасман, факатгина ўзлигимизни ўйкотаслигимиз, бой маннавий меросимиз, азалий анъаналаримизни унут бўлиб кетаслигини, уни биздан кейинги авлодга етказиб беришига масъуллигимиз ва буни тўғри хис қила олишишимиз ҳоҳлардим. Бунинг учун аввалом бор, боланинг оиласидаги тарбиясига этиборни кучайтишишимиз, интернет куялабрга сарфлайдиган вактларини режалаштириб, уларни кўпроқ китоб мутолааси, бирор бир спорт тури ёки бошқа бир фойдали ишга йўналтиришишимиз зарур. Ёшларнинг маннавиятини шакллантиришда, урф-одатларимизнинг ўрнини оширишда кўпкари-ю курашларнинг аҳамияти катта. Тўйларимиздаги "ким ошди" мусобақаларини тўхтатиш керак.

Менинг назаримда тўйларимизда азалий урф-одатларимиздан бўлган кураш ва кўпкариларнинг бўлиши ёшларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маннавият онгини оширади, колаверса анъаналаримиз унут бўлмаслигининг кисман даражада олдини олади, деб ўйлайман. Тўғри, бу анъаналар йўқ бўлиб кетган деялмаймиз. Юртимизнинг бир қайча вилоят ва туманларидан давом эттириб комил инсон бўлиш ўз кўлимиздадир. Чунки аждодларимиз шу тушунчалар замирида ўз замонасининг етук шахсларига айланганлар. Нима учун биз ёшлар бобокалонларимиз анъаналарини давом эттириб, юртимизни олган билимларимиз ва кўнгилларимиз асосида дунёга танитмаймиз? Нима учун ўзимизнинг шунчалик бой тарихимиздан намуна олмасдан четдан ўзлаштирамиз, деган саволларни биз ҳар куни ўзимизга беришишимиз керак. Шундай экан, биз ёшлар ўзимизга берилиган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда юртимизнинг равнақига ўзимизнинг миллий-маннавий анъаналаримизга таяниб, унинг ривожига хисса қўшишимиз ҳам карз ҳам фарзиди.

Барно ИСАЕВА,  
Тарих факультети 1-босқич талабаси.

ТАЛАБАЛАР, СИЗЛАР УЧУН

### ДАНГАСАЛИКДАН ҚУТУЛИШ УСУЛЛАРИ

Бизга берилган тарбияга жўра, дангасалик бу-инсон хаётига ва турмушига салбий таъсир кўрсатадиган ёмон одатдир. Хозирги кунда дангасалик кўччилик инсонларда учрамоқда, жумладан талабаларда ҳам, Талабаларда дангасаликнинг учраши кўпгина салбий ҳолатларни келтириб чиқармокда. Дарсларни яхши ўзлаштира олмаслик ҳолатлари ҳам айнан дангасаликка бориб тақалмокда.

Бизда ўқиш ва ўрганиш учун барча шероитлар етарли. Институтимизда Ахборот-ресурс маркази фаолият юритмоқда, ундан ташкари электрон ўкув кўлланмалари ҳам мавжуд. Интернетдан эса хоҳлаган адабиётларни топиш мумкин. Бунинг учун эса албатта дангасаликдан кутилишимиз керак. Хозирги замон психологияни дангасаликдан кутилишнинг кўидаги усуllibарни тавсия этишмоқда.

1. Дангасалик тутса нима киласиз? Телевизор кўрасиз ёки диванда ётиб олиб, бирор нарса варактлайсиз ё бўлмаса, дўстингизга SMS ёзасиз. Аммо бу ҳам харакат-ку. Сиз яхшиси, хеч нарса килмасликка харакат килинг. Бу кўлингиздан келмаса керак. Ростдан ҳам жимжит хонага ўтинг, хеч нима, мутлако хеч нима килмасликка харакат килинг, хеч нарса ҳакида ўйламанг ва ухламанг ҳам, Менимча бу жуда зерикарли. Агар шундай қиссангиз, 15 дәқика ўтар ўтас, бирор иш килишга тараффудлана бошлаганингизни ҳам ўйғотиб билмай коласиз.

2. Ўзингизни "жанговар" ҳолатга солишга харакат килинг. Тетиклаштируви мусика кўйинг, иш ўрнингизни ёки жойингизни ишлашга тайёр ҳолатга келтиринг. Бу холат дангасаликка карши курашиш борасидаги ички хиссиятларини ҳам ўйғотиб юборади.

3. Одатда кийин вазифалар инсонни зериктиради ва дангасаликка чорлайди. Сиз кийин вазифаларни кисмларга ажратишга ва уни навбати билан бажаришга одатланинг. Ишонинг, бу жуда самарали ўсулдир.

4. Бу усул ўзингизнинг дангасаликка қарши курашиша қайда даражада "жангчи" эканлигингизни бўлгилаб беради. Эрта туринг ва мухим бўлган ишингизни бажаришга астойдил шиддат билан харакат килинг. Тонгда камида бир соат чин дилдан ишласангиз, кун бўйи ўзингиздан фахрланиб юрасис.

5. Одамлар орасида кадимдан хеч қачон инкор килиб бўлмайдиган бир мақол бор: "Бугунги ишни эртага кўйма", шунга амал қилинг. Агар сиз ўзингизни меъридан ортиқ дангаса, деб ҳисобласангиз ва бундан кутулмокни бўлсангиз, ҳозироқ ўрнингиздан туринг, бугунги ишингизни эртага кўйманг.

Ботир САФАРОВ,  
Педагогика-психология йўналиши 3-босқич  
талабаси.

## АМАЛИЁТ

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШ ТАЛАБАЛАРИ СИНОВДА

Турли сабабларга кўра ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбияси билан шугулланувчи маҳсус мутахассислар тайёрлаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам кўзда тутилган. Шу сабабли маҳсус мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш максадида 2007-2008 ўкув йилидан институтимизнинг педагогика факультети қошида янги Дефектология йўналиши очилган эди.

Дефектология йўналишида хозирги кунда 161 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга бир катор малакали профессор-укитувчилар билим бермоқдадар.

Шу кунларда биз – Дефектология йўналишининг 26 нафар талабалари институтимиз барча битирувчилари катори малакавий амалиётга чиқиб, олган билимларимизни синовдан ўтказмоқдамиз.

Бўлим бошлиги, устозимиз профессор X. A. Мелиев ва "Дефектология, маҳсус психо-

логия назарияси ва технологиялар" кафедраси мудири, устоз Р. Н. Нурматов ва бошқа услубчи ўқитувчиларимиз бизга мазкур маҳсуслиятли соҳанинг сир-асрорларини чуқур ўргатмоқдалар.

Аввало Дефектология соҳасига кискача тўхталиб ўтсак. "Дефектология" сўзи лотинчадан олинган бўлиб, defcetus-нуқсон, logos-фан, яъни жисмоний ёки ақлий жиҳатдан нуқсонли болаларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Бу фан соҳаси ўз навбатида қуидаги педагогик бўлиmlарни ўзичига олади.

1. Сурдопедагогика – қулоги оғир ва кар болалар таълим-тарбияси билан шуғулланади.

2. Theнопедагогика – қўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар таълим-тарбияси билан шуғулланади.

3. Олигофренопедагогика – ақлий жиҳатдан заиф болалар таълим-тарбияси билан шуғулланади.


4. Логопедия – нуткида нуқсони бор болалар таълим-тар-

бияси билан шуғулланади.

Амалиётчи талабалар 2 гурухда бўлиниб, биринчи гурух Жizzах шахридаги 32-сонли маҳсус мактаб-интернатда устоз Тўлқин Икромов раҳбарлигига, иккинчи гурух талабалари Жizzах вилояти кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар маҳсус мактаб-интернатида устоз Шоира Муртазоева раҳбарлигига амалиётларини олиб бормоқдалар.

Мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари ва ўз устоз раҳбарларимиз биздан ёрдамлашади. Ўзаро ҳамкорлик, янги соҳани ўрганиш ўйлидаги сайд-харакатларимиз зое кетмаяпти. Биз, ўз навбатида, устозлар ва мактаб ўқитувчиларидан кўп нарсани ўрганиб олмоқдамиз. Ўргангандаримизни келгусида ўз иш тажрибаларимизда албатта кўллаймиз.

Жасур ОДИЛОВ,  
Дефектология йўналиши  
4-босқич талабаси.



### ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН КИММАТ

Суратда: Инсон ҳаётини мухофазаси кафедраси доценти, институт Ибн Сино Саломатлик маркази шифокори С. Ибодов талабалар билан амалий машгулотда.

Х. Носиров сурати.

